



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Латипов Шерзод Фозилжон ўғли

Фарғона давлат университети, амалий инглиз тили кафедраси  
ўқитувчиси

## ЛАКУНА ҲАҚИДА ТУШУНЧА

### Аннотация

Ушбу мақолада лакуна тушунчаси ҳақида маълумот берилган, мисоллар билан изоҳланган. Ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятлари ва урф-одатлари, яшаш тарзи ва ижтимоий ҳаёт тарзи бевосита уларнинг тилида, луғавий бойлигида зоҳир бўлади. Тилшуносликда тилларга қиёсан у ёки бу тушунчанинг ифодаланмаслиги “лакуна” деб юритилади. Тил ва унинг бирликлари халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий, маиший турмуши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, тилда лакуналарнинг бўлиши табиий жараён дир.

**Калит сўзлар:** лакуна, тушунчанинг ифодаланмаслиги, лингвомаданий гуруҳ, мотивациялашган ҳамда мотивациялашмаган лакуналар, бир тил доирасидаги лакуна, тиллараро лакуна, ички лакуна, ташқи лакуна.

Агар тилни халқнинг маданий қиёфасини акс эттирувчи мураккаб тизим сифатида талқин этадиган бўлсак, айтиш мумкин, маданий бирликдаги ўзгачалик, тилда лакуна – айтиш мумкин, шу тушунчани ифодаловчи сўзнинг йўқлиги билан изоҳланади. Польшалик тилшунос В. Дорошевский лакуна терминини ишлатмаган ҳолда бир қатор лакуналар ҳақида фикр юритади, шу билан бирга предметларнинг белгилари баъзи бир тилларда ва маданиятларда мавжуд бўлган ҳолда, бошқаларида эса ҳеч қандай маълумот, хабар берилмаслигини қайд қилади.



Лақуналар вербал муомаланинг ҳар хил, яъни лингвистик ва паралингвистик даражаларида пайдо бўлиб, иккала тилни типологик солиштириш усули орқали у ёки бу даражада аниқланишлари мумкин. Пировордида, лақуналар лингвомаданий гуруҳлар тажрибасининг етишмаслиги ёки керагидан ортиқлиги натижасидир, унинг оқибатида битта лингвомаданий гуруҳ тажрибасини ҳар доим ҳам бошқа лингвомаданий гуруҳ тажрибаси билан тўлдириш мумкин эмас. Лақуналар ушбу маҳаллий маданиятга анъанавий руҳсат этилган фактларни, ҳодисаларни ва вербал муомала жараёнларини шарҳлашнинг усуллари тўплами сифатида тушуниладиган коннотацияга тегишли ҳодисадир. Бадий адабиётда жуда мураккаб боғлиқликлар кузатилиши мумкин, уларни маданиятлар ичидаги ва маданиятлараро лақуналар деб баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. «Иккита миллий маданият ҳеч қачон бир-бири билан тўлиқ мос келмайди. Бу шундан келиб чиқадики, уларнинг ҳар бири миллий ва халқаро элементлардан ташкил топган бўлади» Ҳаммага маълумки, вербал маданият мавжудлигининг усули миллий тил, асосан унинг лексик тизими ҳисобланади. Н. Г. Комлев, лексик маънонинг халқ маданияти билан мустаҳкам алоқасини кўрсатиб, сўзнинг маъносида маданий компонентнинг салмоғи оғирлигини қайд қилади. «Иккита миллий маданият ҳеч қачон бир-бири билан тўлиқ мос келмайди. Бу шундан келиб чиқадики, уларнинг ҳар бири миллий ва халқаро элементлардан ташкил топган бўлади».[ ] Ҳаммага маълумки, вербал маданият мавжудлигининг усули миллий тил, асосан унинг лексик тизими ҳисобланади. Н. Г. Комлев, лексик маънонинг халқ маданияти билан мустаҳкам алоқасини кўрсатиб, сўзнинг маъносида маданий компонентнинг салмоғи оғирлигини қайд қилади. Демак, лақуна(лотинчадан олинган бўлиб, углубление, впадена) тилдаги у ёки бу тушунчанинг йўқлиги демакдир. Лақуна атамасини биринчи бор тилшунос Ю.С.Степанов бўшлиқ, тилнинг семантик харитасидаги оқ доғлар каби таърифлар билан тилшуносликка олиб киради.<sup>1</sup> В.А.Муравлёв эса лақуналарни қуйидаги турларга ажратади: мотивациялашган ҳамда мотивациялашмаган лақуналар, мутлоқ ҳамда шартли лақуналар. Масалан, ўзбек тилидаги *чойхона*, *чопон*, *махси* каби сўзлар инглиз ва француз тилларида мутлоқ лақуна, *иймон*, *виждон* сўзлари эса шартли лақуна саналади. Чунки мазкур тилларда мутлоқ лақуналарнинг ўзи, яъни денатат мавжуд эмас, шартли лақуналарга муқобил тушунчалар эса бор бўлади.

Шунингдек, лақуналар луғавий(лексик, грамматик, стилистик) ҳамда маданий(этник, кинестетик, аксиологик) турларга бўлинади.

Тадқиқотчи З.Д.Попов, И.А.Стернин лақунани икки маданият алоқаси, маданиятлараро мулоқотда пайдо бўладиган ҳодиса сифатида талқин этади. Тадқиқотчилар лақунани қўлланилишига кўра:

1. Бир тил доирасидаги лақуна.
2. Тиллараро лақуна каби турларга ажратади.

Биз эса бундай лақуналарни ички ва ташқи лақуна деб изоҳлашни лозим топдик.

Ички, яъни бир тил доирасидаги лақуналарни диахрон ва синхрон ҳолатда сўзларнинг маъно тараққиёти билан изоҳлаш мумкин. Агар полисемия ҳамда моносемия ҳодисасини тил бирликларининг умумистеъмолдаги ҳаракати деб олсак, сўзлар маъносининг кенгайиб, гоҳида торайиб бориши бир тил доирасидаги ички лақунага мисол бўла олади. Бу ҳолатни, яъни ўзбек тилидаги ички лақуналарни концептуал

<sup>1</sup> Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М. 1975.С.120.



коррелятлар орқали ифодаланганини аллалар мисолида изоҳлаш мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздай, аллаларда халқ маданияти ва қадриятлари акс этганлиги учун алла матнини лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Алла матнидаги лисоний бирликлар лингвомаданий бирлик сифатида доимо тадқиқот объекти саналади.

Лақуналарни аниқлаш, тасвирлаш ва тизимлаш билан шуғулланган тадқиқотчилар Ю. С. Степанов, В. Л. Муравьев, В. Г. Гак, В. И. Жельвис, Ю. А. Сорокин, И. А. Стернин, З. Д. Попова, И. Ю. Марковина, Л. А. Леонова, О. А. Огурцова каби олимлар ҳисобланадилар.

Экстралингвистик лақуналарнинг таснифларидан энг муфассали И. Ю. Марковина ва Ю. А. Сорокинлар томонидан яратилган тасниф ҳисобланади. Алоҳида лингвистик лақуналар И. А. Стернин (26; 27), шунингдек Б. Харитоновна, Л. А. Леонова, И. В. Томашева, А. И. Беловлар томонидан тасвирланганлар. Тадқиқотчи З.Д.Попов, И.А.Стернин икки маданият алоқаси сифатида изоҳлаган **ташқи лақунани** эса таржима асарларда учратиш мумкин.

Ташқи лақуналарнинг аксарияти коррелятлар орқали ифодаланмайди, яъни лақунанинг ўзи асл ҳолатда берилиши шеърий матни янада ўқимишли қилади. Мисол тариқасида, И.Муслимнинг “Ойхон ва райхон” шеъридаги лақуналарни таҳлил қилиш мумкин:

Вот придумала Ойхон  
Пасадить в саду **райхон**.  
А райхон бывает разный:  
Этот куст – шарообразный,  
Этот – весь в цвету, пахучий,  
Но, наверно, самый лучший  
Тот райхон, что в суп кладут.  
Рос бы он у нас в саду!  
Но сказать – ещё не дело.  
Надо в руки взять **кетмень**.  
Чтобы сталь его блестела  
От работы целый день,  
Нужно землю разрыхлить,  
Хорошо её полить,  
День за днём трудиться нужно,  
Чтоб кусты поднялись дружно...  
...Раскудрявился **райхон**,  
Словно волосы Ойхон.  
Вдоль арыка, вдоль террас –



Всюду радует он глаз.  
Мы сварили **машхурду**.  
А приправа где? В саду!  
В суп райхон мы положили,  
Сто похвал мы заслужили.  
А за что же нас хвалить?  
Это ж просто – суп варить.  
За душистый тот **райхон**  
Надо похвалить Ойхон,  
Потому что целый день  
У неё в руках **кетмень!**  
...Ничего и никогда  
Не добьёшься без труда!<sup>2</sup>

Илёс Муслимнинг юқоридаги шеърида *райхон*, *машхурда*, *кетмон*, *ариқ* сўзлари лакуна сифатида таржима қилинмасдан берилади. Ойхон исми қизнинг райхон экиши, лакуна сифатида берилган райхоннинг тузилиши: *шарообразный, душистый, пахучий, самый лучший, что в суп кладут* каби белги ифодаловчи сўзлар, бирикмалар ёрдамида тушунтириб берилади. Юқорида таъкидлаганимиздай, ташқи, яна тиллараро лакуна муайян бир маданиятнинг ўзига хос кўриниши, “ойнадаги”, яъни тилдаги тасвири ҳамдир.

Фикрлашнинг новербал хусусияти тилда концептуал коррелятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Лакуна матнда концептуал коррелятлар орқали ифодаланган.<sup>3</sup> И.А.Стернин ҳамда З.Д.Папов лакуналарни мазмунига кўра аниқ ва мавҳум; хусусиятига кўра эса номинатив ва стилистик турларини кўрсатиб ўтадилар.<sup>4</sup>

Д.Худойберганава эса лакуналарни вербал ва новербал паралингвистик лакуналарга ажратади. Паралингвистик лакуна сифатида бирор лингвомаданият вакиллари имо-ишораси орқали ифодаланувчи мазмуннинг бошқа лингвомаданият вакиллари учун нейтраллиги ёки бошқа маънони ифодалаш сифатида изоҳлаб, мисол тариқасида, ўзбекларда қўлни олдинга узатиб, кўрсаткич бармоқ билан ишора қилиш (*бу ерга кел*) одамга нисбатан қўлланиши, корейс ва японларда мазкур паралингвистик восита одамга нисбатан қўлланмаслиги кузатилади.<sup>5</sup>

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М. 1975.С.120.
2. Адашбаев Т., Маликов Э. Антология узбекской поэзии. – Тошкент: Шарқ,2007. – С.231

<sup>2</sup> Адашбаев Т., Маликов Э. Антология узбекской поэзии. – Тошкент: Шарқ,2007. – С.231

<sup>3</sup> [https://iling-ran.ru/library/psylingva/sbornik/Book\\_1998/articles/2\\_2/htm](https://iling-ran.ru/library/psylingva/sbornik/Book_1998/articles/2_2/htm)

<sup>4</sup> Хакимова Ш.Р. Лакуны как лингвистическое явление./Молодой учёный 2015 январь.№1(81) С.420.

<sup>5</sup> Худойберганава Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати



3. [https://iling-ran.ru/library/psylingva/sbornik/Book 1998/articles/2\\_2/htm](https://iling-ran.ru/library/psylingva/sbornik/Book 1998/articles/2_2/htm)
4. Хакимова Ш.Р. Лакуны как лингвистическое явление./Молодой учёный 2015 январь.№1(81) С.420.
5. Худойберганава Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати